Ушбу сонда:

2 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ

3 ТУТАШ ТОМИРЛАР
ёки Башар дарахтини биласизми?

4 ТАСВИРЛАРДА ШОИР СИЙМОСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ!
OLIY BAXT
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 21 январ, сешанба № 12 (1437)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИРҚ ҚИЗ ҲУНАР ЎРГАНМОҚДА

Республика ногиронлар жамиятининг Шофиркон туман бўлими ҳузурида «Дилрабо» фирмаси ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Фирмага жалб этилган қирқ нафар қиз зардўзлик, бичиш-тикиш, каштачилик, пазандалик, сартарошлик соҳасида ўзлари танлаган касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда. Улар ўқиш-ўрганиш давомида аҳолидан тушган буюртмаларни ҳам бажаряпти.

Ўқув ниҳоясига етгандан кейин ҳам қизлар мазкур фирмада севимли ҳунарларини давом эттиради. Фирма раҳбари, тадбиркор Д.Ниёзова «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан кредит олиб, фирмани йирикроқ ишлаб чиқариш корхонасига айлантириш, айрим сабабларга кўра вақтинча ёки доимий ногирон бўлиб қолганларга имтиёзли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш ниятида.

(ЎзА).

2003 йил — Обод маҳалла йили

ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ

Маҳалланг — ота-онанг, дейдилар. Шу боис тўй, маъракa ўтказадиган бўлсак, маҳалла оқсоқолига маслаҳат солишга одатланганмиз. Оқил, тадбиркор, зукко оқсоқол бўлган маҳаллаларда файзу барака ёғилиб туради.

Жорий йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ва дастур ишлаб чиқилиши боиси ҳам шундан. Андижон вилоятида 758 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Уларни ривожлантиришда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун катта аҳамият касб этмоқда. Турар жойларни ободонлаштириш, осойишталикни сақлаш борасида кўплаб ишлар қилинди. 1998 йилдан буён туман ва шаҳарларда «Андижонни гуллар шаҳрига айлантирайлик» кўрик-танлови ўтказиш анъанага айланган.

Унинг асосий шарти ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан чегараланмайди. Мақсад обод маҳалла шиори остида миллий истиқлол ғояларига содиқ, комил инсонни вояга етказиш, муносиб турмуш тарзини яратишдир. «Гуллар ҳаёт зийнати», «Аҳил оила–оқил оила», «Гиёҳвандлик – аср вабоси», «Ён қўшнинг – жон қўшнинг», «Ватан–саждагоҳ» каби учрашувлар, тантанали кечалар, танловлар, жонли мулоқотлар ўтказилишидан ҳам муддао шу.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўқимай, ишламай юрган ёшлар тарбиясига эътибор бераётганлиги диққатга сазовордир. Аксарият, маҳалла кенгашлари ҳузурида «Маҳалла» халқ университетлари ишлаб турибди. «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, суд, прокуратура, адлия ходимлари билан биргаликда маданий-маърифий, ҳуқуқий йўналишда дастур ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Унда маҳаллаларнинг давлат ва жамоатчилик ҳокимиятини амалга оширишдаги аҳамиятини ривожлантириш режалаштирилган. Шу ниятда университетнинг Низоми ишлаб чиқилган. Андижон, Қорасув, Асака туманларида университет фаоллари, ҳамкорлар жонкуярлиги билан меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниб, ишламай юрган ёшлар иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ҳаракат Дастурида ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг ўз-ўзларини банд қилишларини давлат ва жамоатчилик йўли билан қўллаб-қувватлашга даъват этилган. Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддиларининг бошлари қовуштирилиши яхши натижа берди. Армия хизматини ўтаб қайтган, жисмоний жиҳатдан чиниққан, ҳуқуқий билимли 864 нафар йигит маҳалла сардорлигига, 467 нафар қишлоқ ёшлари чегараларимиз посбонлигига ишга юборилиб, маҳаллий бюджет ҳисобидан маош билан таъминланди.

«Бандлик» дастурини амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, коммунал ва маиший хизматни йўлга қўйишда маҳалла жамоатчилиги бош-қош бўлаётир. Асака шаҳридаги «Истиқлол» маҳалла ҳудудида ташкил этилган маиший, савдо-сотиқ хизматидан аҳоли мамнун. Маҳалла гузари томорқада етиштирилган хонаки помидор, бодринг, болгар қалампири, турли кўкатлар билан қишин-ёзин тўкин. Олтинкўл туманидаги Айрончи маҳалласидаги ҳунармандлар қўли билан яратилган кўркам ва бежирим диван, бешик, эшик, ром, юмшоқ ва қаттиқ мебел тўпламлари хорижникидан қолишмайди.

Аҳолини соғломлаштириш ва дам олишини уюштириш, миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, қадриятларимизни улуғлаш – шу асосда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш юмушларини ҳам маҳаллалар ўз қўлига олмоқдалар. Айни кунларда маҳаллалар ҳудудларида 25 та ўйингоҳ, 490 та спорт заллари, 56 та теннис кортлари, 130 та мерганлик тирлари ишлаб турибди.

Андижон шаҳридаги «Қаландархона» маҳалла фуқаролар йиғинида очилган Чўлпон музейидан каттаю кичик қадамини узмайди. Зиёратхона бевосита йиғин раиси М. Раҳимова елиб-югуриши билан иш бошлаган. Бу ерда ёш оилалар мустаҳкамлиги, огоҳлик, оталарнинг хонадондаги ўрни, устозлар ҳурмати, ҳунар эгаллашнинг шарофати, болалар тарбиясига оид суҳбат, учрашувлар, савол-жавоб кечалари канда бўлмайди.

Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда алоҳида меҳр-мурувват кўрсатмоқда. Биргина 2000 йилнинг ўзида жамғарма томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз кексаларга 8 миллион 150 минг сўм миқдорида хайрия ёрдами кўрсатилди. 2002 йилнинг 10 ойи мобайнида қишлоқ ва туманлардаги маҳаллаларда яшаётган 3917 та оилага 8 миллион 833 минг сўмлик моддий кўмак берилди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.



Қиш имтиҳон қилади

ЯНГИ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ

муаммоларни бартараф этди

Қарши шаҳрида истеъмолчиларни қишки мавсумда бир маромдаги табиий газ билан таъминлаш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Қашқадарёгазтаъминот» шўъба корхонасининг шаҳар филиали томонидан йил бошида мавсумга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида махсус режа-дастур ишлаб чиқилиб, қатор чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Вилоят марказида 920,8 километр газ қувурлари мавжуд бўлиб, шундан 17,6 километрини юқори, 206,9 километрини ўрта босимли газ қувурлари ташкил этади. Ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида 130,7 километр масофадаги ана шундай қувурлар текширувдан ўтказилиб, 143 та газ чиқиш ҳолати бартараф этилди. Кези келганда айтиб ўтиш лозим: кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда филиалда кеча-кундуз фаолият кўрсатаётган диспетчерлик хизматининг ўрни ғоят катта бўлмоқда.

Корхона ва ташкилотлар тасарруфидаги 203 та газ тақсимлаш қутисини қишки мавсумга тайёрлаш учун қарийб 900 минг сўмлик профилактик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, аҳоли ва маиший хизмат объектларига бир меъёрда газ етказиб бериш учун 2 миллион 303 минг сўмлик иш бажарилди. Хусусан, хонадонларга газ тарқатувчи 398 та тақсимлаш қутиси мавсумга тўлиқ тайёрланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қишки мавсумда газ таъминотини яхшилаш мақсадида шаҳарнинг «Отчопар», «Наво», «Қўрғонча», «Кат» ва «Зоғза» маҳаллаларида янги газ қувурлари тармоғи ишга туширилди. Натижада мазкур аҳоли пунктларида газ билан таъминлаш муаммоси бартараф этилди.

Бугунги кунда шаҳардаги 6 минг 143 та хонадонда газ ҳисоблаш ускуналари ўрнатилган. «Қаршишаҳаргазтаъминот» корхонаси томонидан бу муҳим ишга катта аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, филиалнинг газ ҳисоблаш ускуналарини ўрнатиш бўлими ходимлари аҳоли хонадонларини ҳисоблаш жиҳозлари билан тўлиқ таъминлаш борасида самарали иш олиб боришмоқда.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.

ОҲАНГАРОН ГЭСи ҚУРИЛИШИДА

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослаштирилган бирлашмаси буюртмаси бўйича Оҳангарон сувомборида кичик гидроэлектростанция қурилиши бошланди. Қурилишнинг бош пудратчиси этиб «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестининг «ЯнгиАнгренгэсқурилиш» бошқармаси белгиланди.

Қурилиш Ўзбекистонда кичик энергетикани ривожлантириш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари ва энергияни тежаш давлат дастурига мувофиқ бошланди. Оҳангарон ГЭСининг қуввати 21 мВтни ташкил этиб, у йилига 70 миллион кВт соат электр энергия ишлаб чиқаради.

«Ўзсувэнерго» бош директори Ҳикматулла Лутфуллаевнинг таъкидлашича, қурилишни уч йил аввал бошлаш режалаштирилганди, аммо пудратчилар айби билан у чўзилиб кетди. Бу ишга киришган «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трести 2005 йилда қурилишни ниҳоясига етказади. Бу республикадаги йирик саноат минтақасининг электр таъминотини яхшилашга имкон беради.

Қурилишда бурғулаш-портлатиш ишларини «Гидромахсусқурилиш» бошқармаси олиб боради. Иншоотда мингга яқин портлатиш ишларини бажариш, бир миллион кубометр тоғ жинслари ва тупроқни суришга тўғри келади. Жорий йилда қурилишда 1 миллион сўм ўзлаштирилиши кўзда тутилаётир.

Кичик гидроэнергетика иншоотлари қурилишига, шунингдек Фарғона вилоятидаги Шоҳимардонда, Самарқанд вилоятидаги Дарғом каналида, Андижон ва Ҳисор сув омборларида ҳам киришилди.

«Туркистон-пресс»

Навбаҳор туманида Наврўз айёмига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Обод маҳалла йили муносабати билан туман ҳокимлиги, бир қанча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда «Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги» тадбирларини ишлаб чикди.

НАВБАҲОР НАВРЎЗНИ КУТМОҚДА

Туман хўжаликларида, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида кўкламгача 200 минг туп манзарали ва 150 минг туп мевали дарахт ниҳоллари, 50 минг туп тут кўчати ўтқазилади. Шу билан бирга еттита фуқаролар йиғини ва 39 маҳаллада ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Наврўз арафасида тумандаги икки маҳаллада янги гузар фойдаланишга топширилади.

- Туманимиз деҳқонлари республикамизнинг барча жойларидаги каби Наврўз байрамини ерга уруғ қадаш билан кутиб олади, - дейди туман ҳокими ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мустафо Қувондиқов. - Бунинг учун барча зарур техника ҳозирнинг ўзидаёқ мавсумга тайёрлаб қўйилди. Байрамгача юз километрлик сув йўллари тозаланиб, далаларга 130 минг тонна маҳаллий ўғит чиқариш режалаштирилган.

(ЎзА).

«ИНВЕСТ-ТОШ»НИНГ ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТИ

Тошкент шаҳридаги «Инвест-Тош» масъулияти чекланган жамият хомашёдан мармар плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги билан харидор эътиборини қозонмоқда.

Мазкур линия йилига 50 минг квадрат метр мармар безак плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона бундан тўрт йил олдин илк бор 10 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаган бўлса, ҳозир йилига 45 минг квадрат метр ана шундай плита ишлаб чиқармоқда. Мазкур мураккаб, замонавий линия маҳаллий корхона ишчи-хизматчилари томонидан бошқарилмоқда.

Мармар плиталар пойтахтимиздаги кўплаб касб-ҳунар коллежлари, тиббий марказ ва бошқа иншоот қурилишида кенг фойдаланилмоқда. Корхонага мармар блокларни «Зармармар» шўъба корхонаси етказиб беряпти. Фозғон конидан олинган харсангтошлардан тайёрланаётган плиталар ҳам рақобатбардош ва чидамлилиги билан ажралиб туради.

ФИРМА БИТТА, БУХГАЛТЕРИЯСИ ЭСА УЧТА

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Н-Фофур ота» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси муассиси Фарҳод Низомиддинов дўсти Александр Лимни суриштирмай корхона раҳбари этиб тайинлаб, катта хатога йўл қўйди. Александр Николаевич кўй оғзидан чўп олмаган одамдек кўринса ҳам шайтонга дарс берадиган устомон чиқиб қолди.

Туман солиқ хизмати ходимлари фирмада солиқ ва тўловларни тўғри ҳисоблаш ҳамда давлат бюджетига ўтказишнинг аҳволини режа бўйича текширишга келганда Александр Лим ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Солиқчиларга кутган ҳужжатлар тақдим этилмади. Шундан сўнг уни қидирувга беришди. Маълум бўлишича, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман судининг 1999 йил май ойидаги қарори билан ўзи истиқомат қилиб келган Себзор даҳасидаги 38-уйнинг 28-хонадонидан аллақачон чиқариб юборилган ва ҳозирги вақтда қаерда яшаётганлиги номаълум экан.

Раҳбарнинг пайт пойлаб ғойиб бўлгани сири, текширув давомида маълум бўлди. Бир қонунбузарлик иккинчисини етаклаб чиқаверади. Фирмада энг аввало Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 25 декабрдаги «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 1999 йил 21 майдаги қарорлари талаблари мутлақо бажарилмаётганлиги кўзга ташланди. Фирма 2001 йил апрел ойидан фаолият кўрсатиб келаётган бўлишига қарамай, назорат касса машинаси ўрнатилмаган ва туман Давлат солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказилмаган. Шу боисдан қарийб 1,8 миллион сўм миқдоридаги нақд пул тушуми назорат касса машинасидан ўтказилмаган, бир миллион сўм нақд пул тушуми эса банк муассасаларига топширилмаган эди.

Фирма харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар йўқлиги учун ҳам даромадни қасддан яшириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш белгилари сезилиб турарди. Корхона ҳисоботида 512,6 миллион сўмлик даромад кўрсатилмаган. Бундан 128,1 миллион сўм солиқ суммаси ҳисобланиши лозим эди.

Фирма фақат Ўрта-Чирчиқда эмас, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги банкларда ҳам ўз ҳисоб рақамларига эга бўлган. Лекин, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Бухоро ҳудудий филиалида ва «Ҳамкорбанк»нинг Тошкент шаҳар филиалида очилган ҳисоб рақамлари сир сақланган. Ваҳоланки, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 1-бандига асосан солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олиниши ва солиқ қонунчилигига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари ҳисоб-варақларини очган хўжалик субъектлари ҳақида эртасигаёқ солиқ органларига маълум қилишлари керак эди. Афсуски, ҳисоб рақамлари яширилган бир фирмада учта бухгалтерия ишлаб келган. Уларнинг биттаси арзимаган суммада солиқни ҳисоблаган бўлса, бошқалари эса даромадни солиқдан яшириб ўзаро ўзлаштириш пайида бўлган.

Ўрта Чирчиқ туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари хуфя иқтисодиёт ботқоғига ботиб кетган фирма фаолиятини ҳар томонлама таҳлил этиб, катта миқдорда қўшимча солиқлар ҳисобладилар. Ҳозирда уларни бюджетга ундириш чоралари кўрилмоқда.

Қибрай туманида яширин иқтисодиёт домига илинган яна бир фирма раҳбари ҳам ички ишлар органлари томонидан қидирилмоқда. «Тадбиркорман» деб кўкрагига уриб юрган «Саидхон» фирмаси раҳбари Х.Охунжонов назорат касса машиналаридан фойдаланиш бўйича ҳукумат қарорлари талабига зид равишда икки ойда 393,2 миллион сўм нақд пул тушумини банкларга топширмай ўз эҳтиёжларига сарфлаган.

Бекобод шаҳридаги «Тўлқин» хусусий корхонасида ҳам аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни назорат-касса машиналарини четлаб амалга ошириш одат тусига кирган. Солиқ хизмати ходимлари ўтказган текширув давомида корхонада 1999 йилдан 2002 йилнинг апрелигача назорат-касса машинасини четлаб 24,1 миллион сўм савдо қилинганлиги аниқланди. Шу боисдан ҳам корхонага энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида – 453,5 минг сўм молиявий жарима солинди. Текширув давомида корхона раҳбарининг яна бир ғирромлиги очилиб қолди. У етти ой давомида 71,1 миллион сўмлик маҳсулотни дўконга кирим қилмай, савдодан тушган тушумни ўз шахсий эҳтиёжлари йўлида ўзлаштирган.

Тошкент вилоятида хуфя иқтисодиётга қарши бундай текширувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2002 йилнинг август-декабр ойларида ўтказилган режали текширувлар давомида солиқ қонунчилигига зид иш қилган, хуфя иқтисодиётга муккаси билан шўнғиб кетган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан 614,5 миллион сўм молиявий жарималар қўлланилди.

«Ишонч» фош этади

Жасур НОСИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг матбуот хизмати бош мутахассиси.

Бир Фармон шарофати

Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармони ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишларини янада ривожлантириш имкониятини яратиб берди. Фармонда Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази олдида турган асосий вазифалар белгилаб берилди.

ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ ТАРҒИБОТИ

Айни чоғда Марказ маъруза-тарғибот, мувофиқлаштирув-услубиёт, нашриёт ва умумий-ташкилий бўлимлардан ташкил топган бўлиб, уларда етук мутахассислар, тажрибали ҳуқуқшунослар, юқори салоҳиятли олимлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда илмий-оммабоп ҳуқуқий адабиётларни тайёрлаш ва нашр эттириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи услубий Кенгаши тузилган. Вилоятларда минтақавий бўлимлар, туманларда эса жамоатчилик асосида ишлайдиган бўғинлар ташкил этилган. Уларнинг таркиби ҳам тажрибали ҳуқуқшунослар ҳисобига мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ташкил топган кундан бошлаб аҳоли ўртасида Бош қомусимиз – Конституция, Олий Мажлис қабул қилган қонунлар, Президентимиз Фармонлари, сессия материаллари,-Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, меъёрий ҳужжатлар тарғиботига жуда катта эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари тарғибот-ташвиқот ишларининг турли шаклларидан кенг равишда фойдаланилмоқда. Булар жумласига семинарлар ташкил этиш, маърузалар уюштириш, савол-жавоб кечалари ва турли суҳбатлар ўтказиш, малака ошириш ҳуқуқий мавзуда марафонлар, кўрик-танловлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиш ва бошқалар киради. Бош мавзу сифатида Конституция моҳиятини тушунтириш ва тарғиб этишга алоҳида эътибор берилади. Шунинг учун ҳам уни тарғиб этишга тажрибали ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи мутахассислар, Тошкент Давлат юридик институти аспирантлари, тадқиқотчилари, магистрантлари ва бакалаврлари сафарбар этилмоқда. Улар маҳаллаларда, муассасаларда, жамоат жойларида, олий ўқув юртларида, мактабларда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – асосий қомусимиз», «Конституция ва демократия», «Ўзбекистон – ҳуқуқий демократик давлат», «Конституция ва ижтимоий ҳуқуқлар» мавзуларида маърузалар қилмоқда, савол-жавоб кечалари ўтказмоқда.

2001-2002 ўқув йилдан бошлаб Тошкент шаҳар мактабларида юридик институти магистрантлари «Конституцияни биласизми?»,«Биз Конституцияни ўрганяпмиз» мавзуларида ўқув машғулотлари ўтказмоқда. Бундай машғулотлар республиканинг барча вилоятларида ҳам мунтазам олиб борилмоқда.

Кейинги вақтларда аҳоли ўртасида Конституцияни ўрганишга бўлган қизиқиш ортмоқда. 2002 йилнинг 1 чорагида Конституцияга бағишланган мавзуларда юзга яқин конференция, семинар, 1,7 минг давра суҳбати ташкил этилди. Умуман, беш йил ичида Конституциянинг моҳиятини ўрганишга бағишлаб Республикамиз маҳаллалари, ўқув юртлари, мактабларида 25 мингдан зиёд тадбир ўтказилди.

«Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар тарғиботига катта эътибор берилди. Ҳозирда ҳам Марказ ходимлари юридик институт профессор-ўқитувчилари билан Самарқанд, Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида ана шу қонунларни тарғиб қилиб келмоқдалар.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда тарғиботнинг аҳамияти айниқса катта, 2001 йил октябр ойида Адлия вазирлигида «Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий конференция бу борадаги муаммоларга аниқлик киритиш имконини берди. Марказнинг тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоясига бағишланган тадбирлари таъсирчанлигини ошириш йўллари белгилаб олинди. Кейинги икки йил ичида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркор субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид қонун ҳужжатларини аҳолига тушунтириш учун республикада 30 мингга яқин тадбир ўтказилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги «Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Адлия вазирлигининг 2000 йил 15 августдаги «Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни кучайтиришга қаратилган тадбирлар дастури» ижроси юзасидан кейинги тўрт йил ичида юзга яқин илмий-амалий семинар, «Диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандликнинг жамиятимиз тараққиётига таҳдиди» (Самарқанд вилояти), «Ислом дини ва ёшлар маънавияти» (Қашқадарё вилояти) мавзуларидаги илмий-амалий анжуманлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Мазкур тадбирларни ташкил этишда ўқувчи ёшларнинг диний экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш масалалари Марказнинг доимий эътиборида бўлиб қолмоқда. Диний экстремизм мавзусидаги давра суҳбатларининг 3,3 мингтаси умумтаълим мактабларда, 1,7 мингтаси олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, 5,8 мингтаси маҳаллаларда ўтказилди.

Марказ олиб бораётган тарғибот тадбирларнинг мавзу доираси кенг. Оила йили, «Аёллар йили»,«Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили» ,«Қарияларни қадрлаш йили» бўйича Давлат дастурларини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда «Оила кодекси», жамиятда аёлларнинг ўрни,уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, оиладаги муносабатларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш масалалари тарғиб қилинди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳуқуқий билимларини ошириш долзарб вазифалар жумласига киради. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Адлия вазирлиги, суд, прокуратура идоралари билан ҳамкорликда мактабларда, лицейларда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловларини доимий ўтказиб келмоқда. Унда ўқувчи ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик ҳуқуқи, Жиноят ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқий соҳалар бўйича ўз билимларини намойиш этадилар. Танлов беш босқичда ўтказилади. Шу вақтгача бўлиб ўтган тадбирларда Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятлари ўқувчилари ғолибликни қўлдан бермай келмоқда. Ушбу тадбирларга ҳар йили 700 минг нафарга яқин ўқувчи ёшлар қатнашмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ташкилий тарғиб ишларида жамоат бирлашмалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, илмий муассасалар билан ҳамкорлик қилинмоқда. Республика «Маънавият ва маърифат» Маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Республика хотин-қизлар қўмитаси, оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва бошқа жамоат ташкилотлари шулар жумласидандир.

Бу борада янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни даврий умумлаштириш ва уларга шарҳлар ёзиш, оммабоп ҳуқуқий адабиётлар, ўқув-услубий қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентнинг 26 та Фармони, 61 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 187 та қарорига шарҳлар тайёрланди. «Адолат» нашриёти билан ҳамкорликда бултур 20 номда туркум рисолалар чоп этилди. Академик Ҳ.Раҳмонқуловнинг «Хусусий мулк ва тадбиркорлар», Ўзбекистон республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломовнинг «Тадбиркор – суд ҳимоясида», юридик фанлари докторлари И.Б.Зокиров, М.Усмонов, А.Нигматов, Ш.Рўзиназаров, Б.Ибратов каби олимларнинг рисолаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Умуман, Марказ кейинги йилларда ҳуқуқий мавзуларда 60 га яқин рисола, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа хилдаги адабиётларни тайёрлаб, чоп эттиришга муваффақ бўлди. Республика оммавий ахборот воситаларида 36 минг мартадан зиёд чиқишлар қилинди. Ҳуқуқий мавзудаги мақолалар тайёрлаш ва чоп эттиришда вилоятлардаги минтақавий бўлимлар ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Масалан, Бухоро вилоят бўлими иштирокида оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение чиқишлари ва кўрсатувлари ўтган йили 1600 тадан ошиб кетди. Қабул қилинаётган қонунлар ва ҳукумат қарорлари юзасидан бу вилоятда махсус дастур ва режалар ишлаб чиқилиб, уларнинг ижросига барча мутасадди ташкилотлар ва идоралар жалб этилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда ҳуқуқий мавзудаги тадбирлар сони 8 мингдан ошди. Вилоят адлия бошқармаси, судлар, Фуқаролар ҳолати далолатларини ёзиш бўлимлари ва уларнинг ҳузурида ташкил этилган маърузачи гуруҳ аъзолари томонидан маҳаллаларда, қишлоқ фуқаро йиғинларида, ўқув муассасаларида, корхона, ташкилотларда оилаларни мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш юзасидан давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказилди.

Фарғона вилоят минтақавий бўлим ҳуқуқшунослари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларини таъсирчанлигини таъминлашга эришмоқдалар. Бу ерда Конституцияга оид, Оила кодекси, Соғлом авлод дастури, Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни ўрганиш бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ва тарғибот ойликлари ўтказилиб келинмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» мавзусидаги ҳуқуқий маърифат ойлиги айниқса самарали ўтди.

Вояга етмаганлар ўртасида қонун ҳужжатларини ўрганиш ва ўқитиш бўйича Марғилон шаҳрида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Фуқаролик ҳуқуқи», «Меҳнат ҳуқуқи», «Экология тўғрисидаги қонунлар», «Оила тўғрисидаги қонунлар ва уларнинг ижроси» мавзуларидаги ҳуқуқий тарғиботлар ишторокчиларда яхши таассуротлар қолдирди.

Юқорида санаб ўтилган тадбирлар ҳуқуқий-маърифий тарғибот ишларининг бир қисми, холос. Ҳали олдимизда катта вазифалар турибди. Вояга етмаган ёшларни Ватанга садоқат, давлатимиз қонунларини ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш, жиноятчиликка қарши курашиш, гиёҳвандлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш ва бошқа кўплаб мавзулар Марказнинг дастурларидан ўрин олган.

Ғ.АБДУМАЖИДОВ,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази директори, юридик фанлари доктори, профессор.

МУҲИМИ-ДОИМИЙ МУЛОҚОТ

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз Ислом Каримов республикамиз аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратди. Бу борада марказимиз жамоаси , жумладан, бўлимимиз ходимлари ҳам ўзларига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этаяптилар. Жойларда ранг-баранг, қизиқарли, илмий тадбирлар ўтказиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовар бўляпмиз.

Ҳуқуқий йўналишдаги адабиётларни чоп эттириш ва уларни арзонлаштирилган нархда китобхонга етказиб бериш ҳам бизнинг хизмат вазифамизга киради. Ўтган йили тадбиркорлар учун «Тадбиркор ҳуқуқий кутубхонасида» туркумида 20 ном билан чоп этилган рисолалар ва бошқа кўплаб зарур китобларни ишбилармонларга ўз вақтида етказиб бердик.

Ҳуқуқий тарғибот борасида муайян ишларни амалга оширдик. Ишимизнинг энг қизғин палласи Олий Мажлис сессиясидан кейинги ойлар ҳисобланади. Маълумки, у тугаганидан кейин сессия материаллари ва қабул қилинган қонунлар вақтли матбуотда эълон қилинади. Биз эса улар асосида ташкилотлар, ўқув юртлари ва маҳаллаларда тарғибот ишларини уюштирамиз. Мисол учун республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида ўтказилган конференцияларимиз кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Тошкент туманида аҳоли билан ўтказган мулоқотимиз ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. Ангрен шаҳрида ўтган анжуман хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Чунки у қизғин мулоқотга айланиб кетди.

М.ҒУЛОМОВ,
Марказ бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.

РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Марказ ва унинг минтақавий бўлимлари томонидан ўтган йил давомида Олий Мажлис сессиялари материалларининг мазмун-моҳиятига бағишланган 6077 та, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ижроси юзасидан 5677 та, ҳуқуқий мавзуларда эса 53055 та тадбир ўтказилди.

* * *

Ўтказилган референдум муносабати билан Марказ Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда белгиланган режа асосида пойтахтдаги 40 дан ортиқ маҳалла, корхона, ташкилот ҳамда ҳарбий қисмларда тушунтириш ишлари олиб борди. Унда Марказ ходимлари ва институт ўқитувчилари фаол иштирок этишди.

Вилоятларда ҳам бундай учрашувлар кенг қулоч ёйди.

* * *

Конституция асосий Қомусимиз, йўлчи юлдузимиздир. Республикамизнинг барча мактаб, лицейларида ўтказилган «Конституцияни биласизми?» мавзуидаги ҳуқуқий марафонлар ва кўрик-танловларда ана шу хусусда сўз юритилди. Марказ жамоаси бу борада ҳам ўз ташкилотчилигини намойиш этди.

* * *

Бултур пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Бобур», Мирзо Улуғбек туманидаги «Мустақиллик», «Салор», Чилонзор туманидаги «Навбаҳор», «Қатортол», Миробод туманидаги «Дўстлик», «Фирдавсий», «Янгиобод» маҳаллаларида ташкил этилган оилавий мавзудаги давра суҳбатлари ғоят қизиқарли ўтди. Марказ ходимлари ва Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиларининг ўртага ташлаган фикр-мулоҳазалари барчани мушоҳадага чорлади.

* * *

Дунё миқёсида кенг ёйилган гиёҳвандликка ва ОИТС (СПИД)га қарши кураш кунлари муносабати билан барча вилоятларда «Гиёҳвандлик – XXI аср вабоси» мавзуларида ташкилий тадбирлар бўлиб ўтди. Айниқса, Тошкент, Кўқон, Бекобод шаҳарлари, Бўстонлиқ, Куйи Чирчиқ, Олот, Амударё туманларида бўлиб ўтган давра суҳбатлари қатнашчиларни қаттиқ ҳаяжонга солди.

* * *

Риштон, Жомбой, Шовот, Хазорасп, Хива туманларида «Оила – муқаддас даргоҳ», «Аёл ва ҳуқуқ», «Оила, аёл ва жамият» мавзуларида Марказ томонидан қизиқарли семинарлар ташкил этилди. Уларда ёшларни оилага тайёрлаш, ёш никоҳдан ўтишнинг салбий оқибатлари хусусида фикр юритилди.

* * *

Марказнинг бўлим бошлиғи, доцент М.Ғуломов Тошкент шаҳар ҳокимиятида ўтказилган «Обод маҳалла йили» мавзуидаги йиғилишда сўзга чиқди. Унинг маърузаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

* * *

Марказ Фарғона вилоятида «Ҳуқуқий тартиботни юксалтириш муаммолари: тажрибалар, вазифалар ва имкониятлар» мавзуида республика илмий-амалий конференциясини ўтказди. Анжуман ғоят мароқли ўтди. Унда Марказ ходимларидан ташқари идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш аъзолари, барча вилоят минтақавий бўлим бошлиқлари, туман тарғиботчилари ва бошқалар иштирок этди.

* * *

Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича 6 та конференция, 61 та семинар, 1281 та давра суҳбатлари ташкил этди.

* * *

Тошкент вилоятининг Қибрай, Янгиобод, Ёнариқ, Май, Учқўрғон, Байтқўрғон фуқаролар йиғинларида «Ишонч» маркази билан биргаликда ўтказилган семинарлар жамиятда ва оилада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизларга ҳуқуқий кўмак бериш, оналар ва болаларни муҳофаза этиш каби мисолларни ўз ичига қамраб олди.

КЎНГИРОҚЛАРНИНГ КЕТИ УЗИЛМАЯПТИ

Бехос телефон жиринглади. Марказ бўлим бошлиғи Муҳаббат Бобожонова гўшакни кўтарди.

– Алло, эшитаман.

– Ҳуқуқ тарғиботи марказими?

– Худди шундай.

– Сизни пойтахтдаги 310-мактаб раҳбари Шоира Низомова безовта қилаяпти. Мактабимиз номидан сизнинг жамоангизга миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Саъй-ҳаракатларингиз натижаси ўлароқ ўтказилган ҳуқуқий мавзудаги учрашувлар бизни ҳаяжонга солди. Ўқувчиларимизнинг ҳуқуқий дарсларга бўлган қизиқиши ортди. Шундай сермазмун учрашувлар янада кўпроқ ўтказилса, деган ниятда эдик.

– Бош устига. Иш режамизга кўра, албатта, бундай тадбирларни ташкил этамиз.

– Гўшак қўйилди: М.Бобожонова хушнуд кайфиятда ўз ишига шўнғиди.

Сўнгги пайтларда бундай қўнғироқларнинг кети узилмаяпти. Ўша куни тушликдан сўнг яна қўнғироқ бўлди. Юнусобод туманидаги «Боғишамол» маҳалласи раиси Б.Хўжаев аввалги мулоқотлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотганини билдириб, «Обод маҳалла йили»да яна ташкилий тадбирлар ўтказилишини сўради.

Бундан ташқари, Собир Раҳимов тумани маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Фарида Усмонова, пойтахтдаги 146-мактаб директори Раҳима Саидқосимова, 22-мактаб директори муовини Шоира Мирзараҳимова, Янгийўл туманидаги 27,13,4,16-мактаблар вакиллари ҳам қўнғироқ қилиб, марказ ташкил этаётган жонли мулоқотлардан беҳад хурсанд эканликларини баён этдилар.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришга уриняпмиз. Бунда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик ижобий самара беряпти.

Ўтган йили шаҳар ва туманларда фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб, коллеж директорлари иштирокида Конституцияни ўрганиш дастури бўйича бир кунлик семинар ўтказилди. Ўқувчи ёшларнинг Конституция мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб олишлари, уларни она Ватанга садоқат, ўз халқига муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида «Конституциямиз – бахтимиз қомуси», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Куч адоватда эмас, адолатда!» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказдик.

Бундан ташқари, «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишлаб «Авестода инсон ҳуқуқлари» деб аталган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Вилоятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам катта аҳамият берилаётир. «Ҳуқуқшунос аёл» уюшмаси, Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда «Тадбиркор қонун ҳимоясида», «Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» букетлари тайёрланиб тарқатилди.

Ишни намунали ташкил этаётган Хонқа, Янгиариқ, Шовот, Қўшкўпир ва Гўрлан туманлари бошқаларга ибрат бўлаяпти.

М.ЖУМАМУРАТОВА,
Хоразм вилояти минтақавий бўлим бошлиғи.

ҒОЛИБ БЎЛДИК

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, оила муносабатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оналик ва болаликнинг муҳофазасига қаратилган. «Оила ва қонун», «Аёл ва ҳуқуқ», «Ёшлар тарбиясида оила ва маҳалланинг роли», «Оила Кодексида аёллар ҳуқуқлари» каби мавзуларда доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораяпмиз.

Ҳуқуқий-маърифий жабҳадаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Биз Америка Қўшма Штатлари тараққиёт агентлигининг «Евроосиё» фонди томонидан эълон қилинган «Ҳуқуқий давлат тараққиётига кўмаклашиш» мавзуидаги Ўрта Осиё давлатлари бўйича эълон қилинган лойиҳада қатнашиб, ғолиб бўлдик.

И.МАРДОНОВ,
Бухоро вилояти минтақавий бўлим бошлиғи, юридик фанлари номзоди.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУЗУРИДА

Бултур «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияни бажариш, «Фарзандларимиз қонун олдида тенгдирлар», «Оилада катталарнинг роли» мавзуларидаги ташкилий тадбирларимиз вояга етмаган ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Унда етук ҳуқуқшунослар ва олимлар иштирок этдилар.

Бундан ташқари маҳалла фуқаро йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазодан озод бўлган ёшлар билан ўтказилган учрашувлар ҳам ғоят қизиқарли бўлди.

Вояга етмаганлар ўртасида қонун меъёрларини ўрганиш ва ўқитиш бўйича Марғилон шаҳрида ўтказилган «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари», «Фуқаролик ҳуқуқлари», «Меҳнат ҳуқуқи», «Экология тўғрисида»ги Қонунларга амал қилиш муқаддас бурчимиз» мавзуларидаги ҳуқуқий тарғиботлар ёшларда катта таассурот қолдирди.

Э.ҚЎЗИЕВ,
Фарғона вилояти минтақавий бўлим бошлиғи.

Дилдаги гаплар

Саҳифани «Ишонч» махсус мухбири Шарофат ИСКАНДАРОВА тайёрлади.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: Етим ўқувчиларга давлат томонидан кунлик уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва стипендия берилишида ҳамда бу имтиёзларни амалда қўллашда коллеж маъмурияти қайси асосга амал қилиши керак?

М.ХАКИМОВ.
Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежи директори.

ЖАВОБ: Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва ўқув юртлари раҳбарларига 2002 йил 8 январдаги 84-05-34 сонли хатига асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганлиги сабабли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув муассасаларида етим болаларнинг овқатланишини ташкил қилиш, тасдиқланган бир кунлик меъёрий маҳсулот турлари бўйича таъминлаш ва рўйхатда йўқ маҳсулотлар қиммат бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари билан алмаштирилган ҳолда амалга оширилиши керак. Шунингдек, бир кунлик овқатланиш учун сарф-ҳаражатлар миқдори 2002 йил учун 1148 сўмни ташкил этади.

Овқатланишга сарфланадиган ҳаражатлар меъёри ҳисоб-китоби кўрсатилган ҳолда, олинган озиқ-овқат маҳсулотлари турига тўғри келиши керак. Ҳисоб-китоб қилинган маблағ молия органлари томонидан ажратилган маблағ миқдоридан ошмаслиги лозим.

Кўрсатилган бир кунлик овқатланиш рацион ҳақи, ҳомийлар, ўқув муассасаларининг бюджетидан ташқари маблағлари ва бошқа ҳисобларга кўра оширилиши мумкин.

Ушбу хат ижро учун барча вилоятлар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ва ўқув юртлари раҳбарлари томонидан ижро учун қабул қилинган. Кийим-бош ва стипендия масаласи бўйича берган саволингизга эса тегишли ҳужжат юқори ташкилотларнинг тасдиғидан ўтгач, маълумот берилади.

Саволларингизга ТДЮИнинг «Ҳўжалик ва меҳнат ҳуқуқи» кафедраси ўқитувчиси Гулноза Сатторова жавоб беради

САВОЛ: пенсияни аниқлашда энг кам ойлик иш ҳақининг етти бараваригача ҳисобга олинар экан. Шу тўғрими?

Р. АҲМЕДОВ,
Нурота тумани.

ЖАВОБ: 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» ги қонуннинг 31-моддасида пенсия тайинлаш учун ўртача ойлик иш ҳақини аниқлашнинг умумий тартиби белгиланган. Айнан ушбу тартибга биноан пенсияни аниқлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган беш йиллик иш ҳақининг 60 га (5 йилни ташкил этадиган ойлар) бўлиш йўли билан аниқланади ва айнан ушбу 31- модданинг 5-қисмида кўрсатилганидек, пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг етти ҳиссасидан ортиқ бўлмаган иш ҳақи ҳисобга олинади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида белгиланган иш ҳақининг энг кам миқдори 4.535 сўмни ташкил этади. Демак, пенсияни ҳисоблашда ана шу нарса асос бўлиб хизмат қилади.

САВОЛ: Гонорарлар тўғрисидаги маълумотнома пенсияни ҳисоб-китоб қилиш чоғида инобатга олинадими?

К. НУРИТДИНОВА,
Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: Амалдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги» қонуннинг 37- моддасида иш стажига қўшиб ҳисобланадиган меҳнат фаолияти турлари кўрсатилган. Ушбу модданинг «а» банди учинчи хат бошида «Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажи агар улар бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига (илгари ижтимоий суғурта жамғармаси, пенсия жамғармаси) суғурта бадаллари тўлаган бўлсалар, пенсияни ҳисоблашда зарур бўлган меҳнат стажига қўшилади.

Ижодий уюшмалар бундай меҳнат фаолиятини ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар.

Мазкур қонуннинг 32- моддасига мувофиқ, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра суғурта бадаллари олинадиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўшилади. Амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мастасно.

Суғурта бадаллари олинмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхатида гонорарлар кўрсатилмаган. Демак бу тўлов суғурта бадаллари олиниши керак бўлган иш ҳақи турига киради ва пенсия ҳисоб-китоб қилинганда қўшилади.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ

Олис Деҳконободнинг тоғ қишлоғидан келтирилган беморни операция қилиб, уйига кеч қайтган Ҳамро аканинг яна оромини бузишди. Энди кўзлари уйқуга кетган ҳам эдики, телефон узоқ-узоқ жиринглади.

– Санитария авиациясидан безовта қилаяпмиз, – деди навбатчи врач. – Автоҳалокатга учраган оғир беморни олиб келишди.

– Ҳозир етиб бораман, – деди Ҳамро ака ва апил-тапил кийиниб, касалхонага йўл олди.

Тажрибали травматолог-ортопед, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали мутахассис Ҳамро Эрназаров қарийб 40 йилдан бери одамларнинг оғирини енгил қилиш, соғлиғини тиклашга ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг қўлидан шифо топиб, ҳаётга қайтган кишилар қанчадан-қанча.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонини бажариш асосида вилоят ҳокимининг фармойиши билан Қаршидаги травматология-ортопедия шифохонаси биносида республика шошилинч тиббиёт илмий маркази Қашқадарё филиали ташкил этилди. Шундан сўнг аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни сифат жиҳатдан кўтариш ва самарадорлигини ошириш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. 350 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, 220 миллион сўмга тиббий ускуналар ва бошқа жиҳозлар келтирилди.

Ультратовуш текшириш аппарати, лапароскоп, бронхоскоп, ЭГДФС аппарати ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилган нейрохирургик жамлама, 36 минг АҚШ долларига тенг бўлган операцион энцефалоскоп ва мурувват ёрдами билан 5 та «Дамас» ҳамда «Газель» русумли санитар автомашинаси олинди.

Марказ 220 ўринга мўлжалланган. Таркибида шошилинч хирургия, гинекология, нейрохирургия, қўшма шикастланганлар, болалар хирургияси, кардиология, терапия, педиатрия, қон қуйиш бўлимлари, автоклав, клиник кимёвий лаборатория, рентген-диагностика, ташкилий услубият ва «тез ёрдам» санитария-авиация бўлимлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, туманларда 410 ўринли 15 та филиаллар фаолият кўрсатаяпти.

Ўтган йили шифохонага 26385 нафар беморлар мурожаат қилишиб, шундан 13813 киши ётиб даволанган. 12572 беморга амбулатория ёрдами кўрсатилди. 4121 та ҳар хил операция амалга оширилди. Санитар-авиацияси орқали 2121 чақириқлар бажарилиб, вилоятнинг олис қишлоқ ва овулларида жойлашган 2308 беморга тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ходимларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Марказда ишлаётган тиббиёт ходимларининг аксарияти республикамиз марказидаги тиббиёт олийгоҳлари, илмий текшириш институтлари ва клиникаларда малака оширдилар. Шифокорлардан 5 нафари тиббиёт фанлари номзоди, 17 нафар олий тоифали врачлардир.

Марказдаги компьютерларнинг интернет тармоғига уланиши илмий салоҳиятни кенгайтириш имкониятини бермоқда.

Айни пайтда 3 нафар шифокор докторлик, 8 нафари эса номзодлик диссертацияси ёқлаш учун илмий изланишларини давом эттирмоқда. Воҳа аҳли ўзининг бутун билими, қалб ҳароратини халқ саломатлиги йўлига бағишлаётган Ҳамро Эрназаров, Бозор Нодиров, Ҳайит Тоштемиров, Мамадали Наврузов, Собир Худойбердиев сингари ширинсўз, хушмуомала докторларни, Рашида Қаландарова, Рисолат Жўраева, Холниса Айтмуратова, Ойбаҳор Шарипова каби тиббиёт ҳамшираларининг хизматидан мамнун.





...Мураккаб шикастланганлик операцияси муваффақиятли тугалланди. Тажрибали врач Ҳамро Эрназаров ва унинг тиниб-тинчимас, изланувчан шогирдлари чуқур тин олиб, беморни муолажа хонасига олиб чиқдилар.

Қабул бўлимида эса навбатдаги бемор кутиб турар эди. Шифокорларда кечаю-кундуз ором йўқ. Одамларни дарддан фориғ этиш улар учун катта бахт.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Шу кун талабидан келиб чиққан ҳолда қарайдиган бўлсак, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари олдида ҳам бир қатор муҳим вазифалар турганлигини кўрамиз. Жумладан, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳар бир ҳудудда жойлашган мактаб, мактабгача тарбия муассасалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларга бориб, йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича суҳбатлар ўтказиш орқали зарур қоидаларга амал қилишнинг фойдали томонлари ҳақида тушунчалар беришда улардан ҳар томонлама етарли соҳавий билим ва маҳорат талаб этади. Бу борадаги ишлар Пайариқ туман ИИБ гуруҳи йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимида яхши йўлга қўйилган.

Бошқарма ходимлари йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ДАН хизматининг иш самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш мақсадида ўтказилаётган бир қатор тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар. Ўтган йил мобайнида соҳавий ўтказилган «Диққат, пиёда!», «Диққат, болалар!», «Таътил» каби тадбирларда аниқ режалар асосида иш олиб борилгани боис йўл транспорт ҳодисалари анча камайди. Ютуқлар натижаси албатта ҳар бир ходимнинг ўз хизмат вазифасига масъулият билан виждонан ёндошаётгани самарасидир.

Суратда: Пайариқ туман ИИБ ЙҲХ бошқармаси гуруҳи катта инспектори, милиция капитани Абдурафиқ Ҳақбердиев.

Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.

Абадият фалсафаси

ТУТАШ ТОМИРЛАР
ёки Башар дарахтини биласизми?

Инсон тафаккури нақадар теран, нақадар қудратли, бой ва ранг-баранг. Ажойиб эртаклар, гўзал афсона ва ривоятлар, турфа хил нақл ва масаллар, қисқа қилиб айтсак, жамики ҳикматлар хазинаси ана шу мўъжизакор тафаккур маҳсулидир. Барча замонларда ҳам ўта долзарб бўлган бу мавзуни қаламга олар эканман, ана шу теран ва қудратли тафаккур бешикларидан бири бўлган юрт фарзанди эканлигим туйғуси бутун қалбимни қамраб олади.

Қадим Зарафшон дарёсининг охирги томчилари тупроққа сингиб, зарга айланадиган ажиб бир воҳанинг адоғида жойлашган Шофирконда туғилиб вояга етганман. Улкан Қизилқум саҳроси ва ям-яшил Зарафшон воҳасини бирлаштириб турувчи бу муқаддас гўшада қанчадан-қанча эртаклар, афсоналар, ривоятлар эшитганман. Шу ўринда таъкидлашни истардимки, волидаи муҳтарамам муқаддас тупроқ – Нуротада туғилиб ўсганликлари боисидан Зарафшон воҳасининг марказий қисми аҳолиси орасида маълум ва машҳур бўлган эртаклар, нақл ва афсоналар ила тўла ўз бисот сандиқларини Шофирконга олиб келганларки, икки хазина қўшилиб омухта бўлиб кетган, мавжли жилога айланган.

Улғайиб, Тошкентга келиб илм даргоҳларида ўз фикру-зикримни, тафаккуримни қайраб, ўткирлаштириб, бойитиб, шундай хулосага келдимки, бизнинг диёримиз – Ўзбекистон замини чиндан ҳам жаҳон маданияти бешикларидан бири экан. Зеро, болалигимда эшитган жуда кўп эртак, афсона, ривоят ва нақллар дунёнинг бошқа юксак маданиятли, тарихи ва тафаккури теран эллари, халқларининг оғзаки ижоди билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганиб, билиб-англаб, шундай тўхтамга келдим.

Ўша афсоналардан бирини эслайлик. Болалигимизда қулоқларимиз шанғиллаганда бобо ва бувиларимиздан доим сўрардик: Нега қулоқ шанғиллайди?

– Олам тўлғониб турган улкан уммондир. Унинг тўлқинлари қанотида наҳанг балиқ сузиб юради. Балиқ устида эса азамат ҳўкиз туради. Ер замин шу ҳўкизнинг бақувват бели, яғриндор елкаси ва қудратли шохларига таяниб туради. Ана шу Ер - заминда улуғвор бир дарахт қад кўтариб турадирким, у буткул дунёни, башариятни ўзида мужассам этади. Унинг томирлари туташ, новда ва шохлари ёнма-ён, япроқ ила барглари бир-бирига соябон. Ушбу мангу дарахтнинг шохлари, новдалари – эллар, элатлар. Барглари эса – одамлардир. Ўшал дарахтда ҳар бир одамнинг ўз барги бор. Қачонки бирор бир сенга тенгдош, яъни сен билан бир дақиқада туғилган киши дунёдан ўтиб, тўкилса ва ерга тушаётганда сенинг баргингга тегиб кетса, ўшанда қулоғинг шанғиллайди...

Энди билсам бундай афсона қадим халқларнинг кўпларида бор экан. Масалан, мисрликлар, хитойлар ва японларда...

Яқинда Йўлдош Муқимов-нинг «Башар дарахти» деб аталган балет-қиссаси билан танишиб, бу ҳақиқатга яна бир бор қаноат ҳосил қилдим. (Мазкур муаллифнинг журналистик ва ёзувчилик фаолияти ҳақида рисола ёзаётганлигим учун унинг ижодини ўрганиб келаман). Балет-қиссани ўқиб чиқар эканман, болалигимда эшитганим ўшал Дунё дарахти ҳақидаги афсона кўз ўнгимда намоён бўлди ва қалбимда савол туғилди. Ушбу савол билан муаллифга мурожаат қилдим:

– Асарга асос қилиб олинган бу ривоятни болалигимда бувим Нурмомодан эшитганман, - дея тушунтирди муаллиф. – Бироқ шунга ўхшаш афсоналар дунёнинг кўпгина халқларида мавжуд. Масалан, Скандинавия халқлари эпоси «Кичик Эдда»да ҳам худди шундай Дунё дарахти таъриф ва тавсиф қилинади. Худди бизнинг қадим Сўғдиёна афсонасидаги каби бу улкан дарахтнинг томирлари дунёнинг ҳамма тарафларига таралиб кетган. Шох ва новдалари фалак узра соябондек тебраниб туради. Дарахтнинг энг тепасида Симурғ деган қуш оламга ҳушёрлик билан назар ташлаб туради ва тонг отиши олдидан сайрайди, унинг овозига ердаги хўрозлар жўр бўлади ва ухлаб ётган одамларни, бошқа парандаю даррандаларни, бутун мавжудотни уйғотади. Қадим Сўғдиёна афсонасида ҳам Башар дарахти узра худди шундай қуш дунёни кузатиб туради ва уни Симурғ деб атайдилар. Буни қарангки, улар орасида фарқ жуда кам.

Яна бир мисол: туркий қавмларга кўшни славян халқларида ҳам шундай афсона бор. А.Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» достонини эслайлик. Унда таъриф қилинишича, Ер замин ўртасида денгиз бўйида ям-яшил, дуб, – чинор дарахти қад кўтариб туради. Унинг учлари осмонгача бориб етган, илдизлари эса ернинг остига, қаърига қараб кетган. Дарахтнинг шовуллаб турган тепасида олмахонга ўхшаган мушук истиқомат қилади. Мушукнинг номи Баюндир. У дам дарахтнинг тепасига, дам пастига сакраб юради, гўё Дунё дарахтини хавф-хатардан асрайди, атрофда бўлаётган воқеалардан зудлик билан огоҳ этади. Шунинг учун ҳам у Баюн, яъни бўлаётган воқеаҳодисаларни баён қилувчи деб ном олган...

Биз таҳлил қилаётган «Башар дарахти» балет-қиссасида эса бу образ Баён бахши – оқин тарзида берилади. (Кўпгина туркий қавмларда ва славянларда баян деб аталувчи мусиқа асбоби ҳам шундан келиб чиқмаганмикан?). Қарангки, халқларнинг тафаккур тарзи, мушоҳада юритиш доираси нақадар яқин, бири-бирига чамбарчас боғланиб кетган.

Хўш, бу афсоналар кимдан кимга ўтган? Скандинавияликлар ва славянлардан бизгами ёки биздан уларга? Афсонага ўхшаш тарихий манбаларга мурожаат қилсак, Скандинавия халқлари – финлар, исландлар (биздаги «аслар» сўзига, Асака, Асхикент номларига эътибор қилинг) ва бошқалар бундан 5-6 минг йил илгари шимол тарафларга янги ерлар, чорва учун қулай, ўти мўл ва суви сероб ерларни излаб кетганлар ҳамда ўша жойларда ўтроқ бўлиб қолганлар. Қадимшунос олимларнинг таъкидлашига кўра, Исландияда қадим Туронда мавжуд бўлган кўл ва дарёларнинг жўғрофий номлари такрорланади. Масалан, Хавсаув, Ҳамарсаув, яъни биздаги Арнасой, Кенгсой, Еттисой каби ёки Екул, Шўркўл, Қоракўл, Рангкўл сингари.

Ушбу ўхшашликлар тасодифми? Бу мисоллар, айниқса, Башар дарахти ҳақидаги бениҳоя гўзал афсона дунё халқларининг томирлари туташлигидан далолатдир.

Узоқ мозий қаърига қилинган бу кичкина сафардан кейин таҳлилимиз манбаи бўлган «Башар дарахти» асарига қайтсак, табиий савол туғилади ва чуқур ўйга толамиз: балет-қисса бизга исониятнинг илдизлари битта эканлигини унутмасликка чорламаяптимикан?! Ҳа, асарнинг мазмун-мағзига қанчалик чуқурроқ кириб борганимиз сайин шундай эканлигига қаноат ҳосил қиламиз. Ишонч ҳосил қилибгина қолмай, огоҳ бўламиз ҳамда ушбу буюк ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик зарурлигини, уни кўз қорчиғидай асраб-авайлаш – жумлаи жаҳоннинг қайси қисми, қайси қитъасида яшамайлик, ҳаммамизнинг инсонийлик бурчимиз эканлигини чуқур ҳис этамиз. Илло, асарнинг бош мақсади ҳам шунда – буткул инсоният битта дарахт ва ҳамонки, унинг бирор бир томири қирқилар экан, бу ҳол умумбашар ҳаётига таҳдид солади, бирор бир шохи титрар экан, ривоятларда айтилганидек, қулоқларимиз шанғиллабгина қолмай, юракларимиз ҳам зирқирайди. Қутлуғ дарахтнинг томирларига урилган болта Ер юзининг турли қитъа ва бурчагида яшаётган ҳар бир инсоннинг, жумладан, бизнинг ҳам илдизимизга урилган болтадир...

Балетнинг кириш қисмида саҳнада Башар дарахти бутун борлиғи ила қад кўтариб, савлат тўкиб, Ер юзи узра қанот ташлаб туради. Бундан кейинги воқеалар ана шу қудратли қанотлар остида содир бўлади.

Улкан дарахт остида жонсиз Одам Ато жасади. Ҳа, ҳали у жонсиз, на боши, на қўл ва оёқ бармоқлари қимирлайди. Дунёни яратгувчи Тангри унга жон юборади. Бироқ жон Одам Атонинг қоп-қоронғу қалбига киришдан қўрқади ва Тангрининг ҳузурига қайтиб учиб кетади. Ҳамма нарсани билгувчи ва кўриб кузатиб-тургувчи Тангри буни билиб, жоннинг кўрқиб танга кирмаслик сабабини дарҳол англаб, Илоҳий оҳангни ато этади ва улкан дарахт тепасида турган Симурғга куйлашни амр этади. Симурғ куйлай бошлайди. Унинг тумшуғида турфа-турфа оҳанг берувчи нуқталар – тешикчалар борким, бу куйни эшитган ҳар бир мавжудот сеҳрланиб қолади. Одам Ато ҳам ана шу сеҳр оғушига тушадиким (чанқовуздан таралаётган Тановарда оҳанглари шу дақиқаларда оҳиста таралиб туради), у ўз

(Давоми 4-бетда)

Шарҳловчи минбари

КОТ-Д'ИВУАРДАГИ НОТИНЧЛИК

Париж яқинидаги Маркус шаҳарчасида Франция ҳукумати ташаббуси билан Кот-д'Ивуардаги сиёсий беқарорликни бартараф этишга бағишланган анжуман бошланди. Унга Кот-д'Ивуар ҳукумати раҳбарлари, исёнчи гуруҳ вакиллари ҳамда Ғарбий Африкадаги бошқа давлатларнинг етакчи сиёсатчилари таклиф этилган.

Кот-д'Ивуарда кескинлик ўтган йили сентябрда бошланган эди. Ўшандан буён исёнчилар президент Лоран Гбагбонинг муддатдан олдин истеъфо беришини ва мамлакатда сайлов ўтказишни талаб қилиб келади.

Президент Лоран Гбагбо исёнчилар талабини қатъиян рад этмоқда. У Францияда нашр этиладиган «Монд» газетасига интервью бериб, мамлакат конституциясида муддатидан аввал сайлов ўтказиш назарда тутилмаган, шу боис бу ҳақда гапиришга ҳожат йўқ, дея таъкидлади.

Бироқ анжуманнинг айрим иштирокчилари, Л.Гбагбонинг истеъфоси ва янги сайлов вазиятни бир қадар юмшатиши мумкин, демоқда. Мамлакат конституциясида ҳам қачонки, президент бирор сабаб туфайли истеъфога чиқсагина, мамлакатда қайта сайлов ўтказиш мумкин, деган банд мавжуд.

Қонунга биноан, Кот-д'Ивуарда президент беш йилга сайланади. Мамлакатда сўнгги марта 2000 йили сайлов бўлиб ўтган. Демак, исёнчилар ўз ниятига етиш учун 2005 йилни кутиши керак.

Айрим кузатувчилар Маркус шаҳарчасидаги баҳсларни 1999 йили Версал шаҳрида Югославия ва Косово муаммоларига бағишлаб ўтказилган музокараларга ўхшатмоқда. Фарқ шундаки, мазкур анжумандаги маълумотларни матбуот орқали эълон қилмаслик кўзда тутилган.

Маркус учрашуви жаҳондаги йирик озиқ-овқат компанияларининг диққатини тортган. Улар ҳам мамлакатда барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор. Зеро, шу вақтгача Кот-д'Ивуар жаҳондаги кўплаб озиқ-овқат компанияларини какао билан таъминлаб келган. РАТА-ТАСС хабарларига қараганда, беқарорлик какао экспортига ҳам салбий таъсир этаётир.

Шуни таъкидлаш жоизки, Кот-д'Ивуарда тўрт ойдан бери давом этаётган тартибсизликлардан минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам азият чекмоқда. Мазкур анжуман минтақада тинчлик ўрнатилишига туртки бўлса, ажаб эмас.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллигига

ТАСВИРЛАРДА ШОИР СИЙМОСИ

Буюк бобокалонимиз, мутафаккир шоир Алишер Навоий қиёфаси замондош ижодкорлар – европалик рассом ва ҳайкалтарошлар томонидан илк маротаба ўтган асрнинг 40-50 йилларида яратилди. Айтиш керакки, бу асарлар европача кўриниш ва услубларда яратилганлиги боис миллийликдан анча йироқ эди. Зотан, ўша даврда замонавийлик, европача руҳият сезилмаса, асарлар қабул қилинмас, бу тазйиқ, ўз навбатида, мусаввирларнинг эркин ижод қилишига йўл қўймасди.

Кейинчалик Ўрол Тансиқбоев, Ҳамид Раҳимов, Баҳром Ҳамдамий, Малик Набиев, Абдулҳақ Абдуллаев, Чингиз Аҳмаров, Неъмат Қўзибоев, Лутфулла Абдуллаев сингари мусаввирларимиз ҳам бу мавзуга қўл ура бошладилар. Масалан, Малик Абдуллаев «Навоий қурилишда», Ўрол Тансиқбоев «Алишер Навоий табиат қўйнида», Ҳамид Раҳимов «Навоий денгиз бўйида» деб аталмиш асарларини яратишди. Афсуски, бу асарлар миллий руҳ уфуриб турганлиги боис ўз қадр-қимматини топмади. Шундай бўлишига қарамасдан ушбу рангтасвирлар кейинчалик ҳаққоний баҳосини олди, музейларга қабул қилинди.

Айниқса, халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ва академик мусаввир Абдулҳақ Абдуллаев Навоий сиймосини яратиш йўлида кўп меҳнат қилдилар. Натижада буюк бобокалонимизнинг бир қанча қиёфалари яратилди. Абдулҳақ Абдуллаев ўттиз икки йил изланиб, ниҳоят, Камолиддин Беҳзод ва унинг шогирдлари томонидан яратилган шоир қиёфаларидан фойдаланиб, Навоий сиймосини яратди. Чингиз Аҳмаров эса шоирнинг болалиги, ўсмирлиги, кексайиб қолган ҳолатларигача тасвирлашга эришди. 1977 йили Алишер Навоий номли метро бекати қурилишида Чингиз Аҳмаров мутафаккирнинг кексайиб қолган қиёфасини айланма портрет шаклида яратди. Метро бекати деворларини шоир асарларига ишланган тасвирлар безади. Айниқса, мусаввирнинг «Хамса» достонлари қаҳрамонлари акс эттирилган тасвирлари – катта-кичик бўртма, миниатюра услубидаги севги ва вафони мадҳ этувчи асарлари бугун ҳам йўловчиларга завқ-шавқ бераётир. Чингиз Аҳмаров бу ишини давом эттириб, буюк шоир ғояларини унинг номи билан юритилувчи музей, Опера ва балет катта театри ҳамда Санъатшунослик институти деворларига чизган тасвирларига сингдиришга ҳаракат қилди.

Айни кунларда бу ишни Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Муборак Йўлдошев, Содиқ Раҳмонов, Темур Саъдуллаевлар сингари рассомларимиз давом эттиришмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ, санъатшунос.

Суратда: Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаров томонидан ишланган деворий расм.

ТУТАШ ТОМИРЛАР

ёки Башар дарахтини биласизми?

(Боши 3-бетда)

қалбига куй билан қўшилиб жон ҳам кириб жойлашганини сезмай қолади. Унинг оёқ ва қўл бармоқлари, боши аста-секин ҳаракатга келиб, жонлана бошлайди (жон киргизувчи Тановар куйи бора-бора, аста-секин Лазги оҳанглари ила алмашади). Бу ўринда шуни қайд этиб ўтмоқ лозимки, қадимқадимдан ўйналиб келаётган Лазги рақсининг мазмуни ҳам аслида жонсиз жасаднинг тирилиши жараёнларини ифода этишдан иборатдир.

Ана шу ҳаётбахш, унутилмас дақиқаларда ҳаракатга келган Одам Атонинг ёнида ётган иккинчи жасадга ҳам Илоҳий куйлар жон ато этади. Бу одамзотнинг Волидаю Бузурги – Момо Ҳаво эди. Ҳаётбахш мусиқа тўлқинлари Момо Ҳавони ҳам жунбушга келтиради ва у Одам Ато ила беихтиёр рақсга тушиб кетади, имо-ишоралар воситасида ўз қалбидаги ҳис-ҳаяжонлари ва теран туйғуларини бўлғуси умр йўлдошига изҳор этади. Бу илк ҳаётнинг ва илк муҳаббатнинг туғилиши эди!..

Биз балетнинг дебоча қисми мазмунини мухтасар қилиб баён этдик. Асосий воқеалар навбатдаги саҳналарда бўлиб ўтади. Воқеалар марказида эзгулик билан ёвузликнинг мангу кураши ётади. Одамзотнинг илк қадамларини кўролмаган қора кучлар Башар дарахтини йиқитмоқ ниятида унинг томирларига болта уришга киришадилар. Қадим Шарқнинг, шу жумладан Туронзаминнинг афсоналари акс этган «Авесто» китобидан бизга маълумки, ёвуз кучларга – Ахриман, ёруғлик кучларига – Ормуз (Охирмазда) бошчилик қилади. «Башар дарахти» балетида Қари қайлиқ – Аямажуз ва унинг қаллиғи – Қораёвуз образлари «Авесто»даги Ахриманнинг давомчилари бўлса, Симурғ, Бургут, Лочин ва Турна образлари эзгулик Тангриси – Ормузнинг садоқатли шериклари сифатида таъриф ва тавсиф этилади.

Балетнинг бошидан то охирига қадар ана шу бир-бирига қарама-қарши қутблар орасида аёвсиз кураш кетади. Ахриманнинг иродасини бажо келтирувчи Аямажуз буйруғи ила Қораёвуз ва унинг шотирлари Дунё дарахтига ёпириладилар. Қай бири унинг илдизларига болта урса, қай бирлари шох ва новдаларини синдириб ташлай бошлайди. Гўзал малика қиёфасига кирган Симурғ қуши бу таҳликали манзарани кўргач, қора кучларга сеҳрли нигоҳ ташлайди. Унинг нурафшон қиёфасидан ёғаётган шуълалар ёвузларнинг кўзларини қамаштириб қўяди. Қароқчиларнинг оёқлари ҳолсизланиб, қўллари бўшашиб, заифлашиб қолади. Шу дақиқаларда нозик бир воқеа рўй беради: Қораёвуз малика Симурғга ошиқу беқарор бўлиб қолади. Шу боис Башар дарахтига ҳамлани тўхтатиб, орқага чекинади, ўз шотирларига қўлларидаги болталарини ирғитиб юборишни буюради.

Ана шу дақиқалардан бошлаб қора кучлар – ёвуз кучларнинг сафлари дарз кетади, улар орасида нифоқу низо пайдо бўлади. Чунки бу кучларнинг етакчиси Аямажуз рашк ўтида ёниб, ўз қаллиғи Қораёвузга ҳамлага ўтади. Аямажуз аёвсиз курашда Қораёвуз ва унинг шотирларини Аҳриман ёрдамида саҳнадан – Башар дарахти атрофидан ҳайдаб юборади. Бироқ, шум хотун шикастланган, кўпгина шохлари синган, лекин ҳамон қад кўтариб турган Дунё дарахтига – инсониятга ўз хуружини тўхтатмайди ва унинг усти очилиб қолган илдизларига заҳар сепади, омон қолган новдалари ва барглари томон оғу ёмғирини ёғдиради, ўтли нафас пуркайди. Фақат Башар дарахтини заҳарлабгина қолмай, тоғлар ён бағрида ям-яшил майсалар, лолақизғалдоқлар орасида Наврўз сайли ўтказилаётган одамларга ҳам ҳамла қилади. Ўзига эргашган қароқчилар ёрдамида сумалак қайнаётган қозонни ағдариб ташлайди, шодон рақс этаётган ёшяланг йигит ва қизларни ҳайдаб юборади, теварак-атрофда яшнаб турган ям-яшил майсалар, гуллолалар, шарақлаб оқаётган шалолалар ва булоқларга заҳар сепади. Бонг уриб Ер замин остидаги зулмат дунёсидан ўз сафдошларини мададга чорлайди. Ҳаммаёқ ларзага келади, тоғу тошлар, иморатлар қулайди. Қаёқдандир – ер остиданми ё осмонданми даҳшатли сийрат – Девзила пайдо бўлади. Одам бўлиб одам эмас, махлуқ бўлиб махлуққа ўхшамас. Ур-йиқит бошланади... Охир замон келгандай...

Кейинги кўринишлардан аён бўладики, чиндан ҳам охир замон: уй-жойлар вайрон – улар қулаган тоғ тошлари остида, ҳар қадамда жонсиз одамлар жасади ётади, майсалар, гуллолалар топталган, унда-бунда букилиб юрган майиб-мубтало одамлар митти-митти, яжуж ва мажуждай бўлиб қолганлар. Одамлар зотигина эмас, паррандаю дарранда, ўсимликлар ва гиёҳларнинг зоти ҳам айниган, пайкаллардаги бодринглар қовун-тарвуздай ҳажмда ва ҳоказо. Жумлаи олам жимжитлик, сукунат қўйнида, замин узра зоғ ҳам учмайди...

Бироқ йироқ-йироқлардан секин-аста ўшал Илоҳий оҳанг – Одам Ато ва Момо Ҳавога жон ато этган ҳаётбахш куй эшитила бошлайди. Найдан чиқаётирми бу куй, чанқовузданми ё тамбур торларидан? Лекин у шу қадар сеҳрли, шу қадар жозибалики, ҳозир унинг қайси мусиқа асбобидан чиқаётганлигини билмайсиз, англаб етолмайсиз.

Ҳа-ҳа, бу дилкаш, дилрабо оҳанг Симурғ қушининг қўшиғи-ку! Бу қўшиқ, бу сеҳрли куйлар одамзотнинг қайтадан ҳаётга чорламоқда-ку! Ҳар бир мавжудотга қайтадан жон бағишламоқда-ку! Ҳа,-ҳа, чиндан ҳам бир вақтлар одам юрагига жон киритган Илоҳий оҳанглар табиатни, инсонни такрор тирилтирмоқда. Қаранг, Башар дарахти ҳам яна шовуллай бошлади, яна қомат ростлади. Унинг омон қолган шохлари ва барглари Яратгувчининг остонасигача етиб, яйраб-яшнаб тебранмоқда. Диққат қилинг, Симурғ қуш қанот ёйди, унинг биллур тожлари оламга яна ёғду соча бошлади. Ёвузлик боз чекинди, эзгулик боз зафар қучди. Илоҳим, бор бўлсин Эзгулик! Олам узра Илоҳий оҳанглар, навою тароналар абадий янграб, бутун борлиқни ҳаётга чорлаб турсин!..

Бироқ йироқ-йироқлардан ўшал Илоҳий оҳанг – Одам Ато ва Момо Ҳавога жон ато этган ҳаётбахш куй эшитила бошлайди. Найдан чиқаётирми бу куй, чанқовузданми ё тамбур торларидан? Лекин у шу қадар сеҳрли, шу қадар жозибалики, ҳозир унинг қайси мусиқа асбобидан чиқаётганлигини билмайсиз, англаб етолмайсиз.

Ҳа-ҳа, бу дилкаш, дилрабо оҳанг Симурғ қушининг қўшиғи-ку! Бу қўшиқ, бу сеҳрли куйлар одамзотнинг қайтадан ҳаётга чорламоқда-ку! Ҳар бир мавжудотга қайтадан жон бағишламоқда-ку! Ҳа,-ҳа, чиндан ҳам бир вақтлар одам юрагига жон киритган Илоҳий оҳанглар табиатни, инсонни такрор тирилтирмоқда. Қаранг, Башар дарахти ҳам яна шовуллай бошлади, яна қомат ростлади. Унинг омон қолган шохлари ва барглари Яратгувчининг остонасигача етиб, яйраб-яшнаб тебранмоқда. Диққат қилинг, Симурғ қуш қанот ёйди, унинг биллур тожлари оламга яна ёғду соча бошлади. Ёвузлик боз чекинди, эзгулик боз зафар қучди. Илоҳим, бор бўлсин Эзгулик! Олам узра Илоҳий оҳанглар, навою тароналар абадий янграб, бутун борлиқни ҳаётга чорлаб турсин!..

Балет-қиссасининг асосий мазмуни, қисқача қилиб айтганда, шулардан иборат. Биз уни оддий сўзлар воситаси ила баён этдик, лекин ушбу мазмун ва маънолар рақс либосига бурканса, гўзал безаклар тақса, сеҳрли оҳанглар оғушига кирса – дилга ҳузур бағишловчи, руҳни озиқлантирувчи ажиб бир тамошо туғилар деб ишонамиз. Масаланинг бизни хурсанд этувчи муҳим жиҳати шундаки, жаҳон халқларининг аксарияти учун муштарак бўлган Дунё дарахти ҳақидаги гўзал афсона биринчи марта ўзбек миллий саҳнасида мужассам бўлиб, ўз аксини топади, деб ўйлаймиз.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ зарурки, асар миллий либос билан безанган бўлса-да, унда умумбашариятга дахлдор масала ўртага ташланади, яъни гап дунё миқёсида ҳозир этаётган эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳақида боради: инсон дарахти битта, ягонадир ва унинг ёвуз душманлари ҳамда эзгу дўстлари ҳамма жойларда, мамлакатларда, халқларда мавжуд. Бизда, Машриқда ёвузлик кучларига Қари қайлиқ – Аямажуз бошчилик қилса, масалан, Мағрибда бундай кучларга – Кайлиах (келт мифологияси), ҳинд мулкида эса – Кампир Кали етакчи. Қарангки, ёвуз кучлар тўдабошиларининг отлари ҳам бир-бирига жуда яқин. Ёвуз кучларга қарши эзгу кучлар бошида Симурғ, Бургут ва Лочин каби қушлар турадиларким, улар етакчилигида ёвуз кучлар устидан ғалаба қозонилди.

Бу афсонавий ҳақиқат ҳақида мушоҳада қилар эканмиз, ҳозирги замон ёвуз кучлари – терроризм балоси, террорчилар ва уларнинг вайронкор қилмишлари ҳақида ўйламай иложимиз йўқ. Балетнинг бугунги кун билан ҳамоҳанглиги ҳам ана шундадир. Ёвузлик ва эзгулик ўртасидаги кураш масаласи – мангу масала, на ибтидоси ва на интиҳоси бор мангу муаммо, ҳеч қачон тугамайдиган мангу мавзудир. Бинобарин, бугун одамзотнинг ҳаётига катта ва машъум хавф-хатар туғдириб турган экан, бу мавзу янада долзарброқ аҳамият касб этмоқда.

Асарда зикр этилган ушбу жаҳон афсонаси эса бизнинг соф ўзбек миллий анъаналари билан суғорилиб тасвирланганки, мазкур балет дунёнинг қайси бир мамлакати театри саҳнасида қўйилса-да, ўзбеклар ҳамма жойда ўз дўппилари билан ажралиб тургандек, ранг-баранг саҳна маназаралари ва рақслардан бизнинг миллий нафасимиз уфуриб туради ва фараз қиламизки, Башар дарахтининг тепасида ўзбек миллий дўпписи соябон бўлиб тургандек кўринади. Энди гап ана шу мазмун ва ғояга мусиқа оҳангларининг Илоҳий наво ила жон киргизишда ва Дунё дарахти бутун борлиғи ила биринчи галда ўзимизнинг миллий ўзбек саҳнасида қад кўтаришдадир. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ижодий жамоаси (балетмейстер – таниқли балерина Гули Ҳамроева) ушбу умуминсоний аҳамиятга молик ғояни балет воситаси ила саҳнада талқин қилиш ниятидаки, бу олижаноб эзгу иш таҳсинга сазовордир. Умид қиламизки, инсониятни ўзида мужассам этган Башар дарахти ўзбекнинг бош шаҳри – Тошкент бағрида қанот ёйиб, жумлаи жаҳон нигоҳида намоён бўлади.

Олимжон НАЗАРОВ, журналист.

Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида

УЧРАШУВ

Ўтган шанба куни Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида 2002 йил якунларига ҳамда янги 2003 йилда бўладиган спорт мусобақаларига тайёргарликнинг боришига доир йиғилиш ва матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманни жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Комил Юсупов очди:

– Юртимиз спортчиларининг ўтган 2002 йилда жаҳон ареналаридаги қатнашувини қониқарли баҳолаш мумкин. Бу йил ҳам мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва спортнинг оммавийлигини ошириш бош мақсадимиздир. Бу ишларни амалга оширишда бизга журналистларимиз билан мустаҳкам алоқа зарур. Ахир бизнинг спортчилар эришган натижаларини улар дунёга овоза қилмаса, бизнинг зафарларимиздан ким ҳам хабардор бўлади. Шуларни эътиборга олиб қўмитамиз қошида матбуотимиз марказини очдик. Қўмитамиз матбуот котиблигига ЎзА мухбири О.Ражабовни тавсия қиламан.

Давра суҳбати тарзида ўтган мулоқотда сўз асосан спортнинг оммавийлигини ошириш, мамлакатимиз спортчиларининг Афина Олимпиадаси йўлланмалари учун баҳсларга тайёргарлиги, «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»нинг фаолияти ҳақида бўлди. Февраль ойида бошланадиган қишки спорт турлари бўйича Осиё чемпионатига тайёргарлик ҳақида федерациялар мутасаддилари журналистларга гапириб бердилар. Бу мусобақаларда юртимиз шарафини О.Малинина, М.Оганина, К.Эргашевлар ҳимоя қиладилар.

Шу билан бирга Афина Олимпиадасида иштирок этиш учун йўлланмаларни қўлга киритиш имкониятларимиз ҳақида федерациялар раҳбарлари ахбороти тингланди.

Унга кўра боксчиларимиз 10 та, эркин курашчиларимиз 7-10 тагача, юнон-рум курашчиларимиз 6 та, енгил атлетика 7 та, велоспорт ва сув спорти турлари 7-13 тагача йўлланмаларни қўлга киритиш имконияти эга эканлиги маълум бўлди. Антон Рябов, Юлия Борзова, Дилшод Орипов каби юлдузларимиз ўз спорт турларида олимпиада ғолиблигига асосий даъвогар эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга спортнинг волейбол, баскетбол, гандбол каби оммавий турларининг унча ривож топмаётганлиги сабабларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Қарийб икки соат давом этган матбуот анжумани давомида спортимиз мутасаддилари ўз таклиф ва истакларини спорт журналистларига баён этган бўлса, ўз навбатида ОАВ вакиллари ҳам бундай учрашувлар тез-тез ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидладилар.

А.ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири.

БОШЛАНИШИ ЧАККИ ЭМАС

Футбол

Ўзбек футболининг бугунги савияси қандай? Бултур Осиё қитъасида муайян даражада ўз мавқеини тиклаб олган, буни айниқса, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаси мисолида ёрқин намойиш этолган, бу йил ҳам катор нуфузли мусобақаларда муваффақият қозониш ниятида тайёргарлик босқичига астойдил киришган футбочиларимиз бизга яна қандай совға ҳозирлаб қўйганларини орзиқиш ила кутаётганимиз бежиз эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, бунга асосларимиз етарли. Қолаверса, тезкор давр шиддати шуни тақазо этмоқда.

Ҳеч ким жойида тўхтаб тургани йўқ. Ҳамма ҳаракатда. Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким ҳеч кимдан қолиб кетмоқчи эмас. Биз буни гуруллаб ривожланишда давом этаётган япон ва корейс футболида, шунингдек, араб давлатлари, Эрон мисолида кўрмоқдамиз. Жаҳон футболида ўз ўрнимиз ва ўз сўзимизга эга бўлиш учун эса хоҳлаймизми, йўқми, биз аввалам бор ўз уйимизда, яъни Осиё қитъасида юксак чўққиларни эгаллашимизга тўғри келади.

Албатта, бу осонликча қўлга киритилмайди. Бунинг учун турли халқаро турнирларда чиниқиш, тажриба орттириш, маҳорат пиллапояларидан собитқадамлик билан илгарилашга тўғри келади. Айни кунларда Москвада Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кубоги учун бўлиб ўтаётган «Итера» турнирида Ўзбекистон чемпиони сифатида қатнашаётган «Пахтакор» жамоасининг ўйинларини томоша қилаётган мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам ҳар ҳолда бир қадар қониқиш ҳосил қилмоқдалар.

Хусусан, Украина чемпиони Донецкнинг «Шахтёр» клуби билан ўтказилган ўйин шиддатли кечди. Учрашув бошларида ўзбек футболчилари ташаббусни қўлга олгандек туюлган эса-да, кейинчалик украинларнинг майдондаги устунлиги кўзга ташланиб қолди. Бир неча вазиятда ҳимоя чизиғимизда парокандалик сезилди. Лекин шу куни Игнатий Нестерев ўз дарвозасини муносиб қўриқлади. Кўплаб зарбаларни қайтарди.

Футболда, гарчанд майдонга тушмаса-да, мураббийлар ўйини, деган ибора бор. Бунда, албатта, танланган тактика кўпроқ назарда тутилади. Яна бир жиҳат бор: у қачон ва кимни алмаштиришдир. В.Жалилов ва Т.Агамуротов шу куни «Шахтёр» клуби тренеридан устунлик қилишди. Иккинчи бўлим бошида майдонга тушган Миржалол Қосимов ўйин тизигини ўз қўлига олган бўлса, учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда сафга қўшилган ёш иқтидорли ҳужумчи Марат Бикмаев баҳс тақдирини ҳал қилди. У жарима майдонида юзага келган қулай вазиятдан унумли фойдаланди. Бу жуда кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлди. Ҳали донецкликлар ўзига келиб улгурмай, Маратга нисбатан йўл қўйилган қўполлик учун белгиланган жарима тўпини М.Қосимов ўзига хос зарба билан дарвозага йўллаб, ғалабани мустаҳкамлади. Ҳисоб - 2:0.

Озарбайжон ёшлар терма жамоаси билан ўтган учрашув, айтиш мумкинки, «Пахтакор» учун аҳамиятсиз бўлгани учун мураббийлар эртани ўйлаб тактика танладилар. Бу ўйин мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади, албатта. Ўйин 1:1 ҳисобида дуранг билан якун топган бўлса-да, у командамизнинг мавқеига таъсир қилмади. Чунки «Шахтёр» ва «Каунас» клублари дурангга имзо чекдилар: 1:1. Бу эса «Пахтакор» турнирда совринли ўринлар учун баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди, деганидир. Энг муҳим хулоса эса қуйидагича: турнирни синчковлик билан кузатаётган мутахассислар ўзбек футболи туб ўзгаришлар томон силжиётганини эътироф эта бошладилар. Бу яхши аломат.

З.РИХСИЕВ.

Ўзбек адабиётининг улуғ намоёндаси Алишер Навоий образи мўйқалам усталари ижодида кенг талқин қилинган. Ўз давринг таниқли рассоми бўлган мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб яратган асарлардан бирида ҳам ғазал мулкининг султони образи ўзига хос жозиба билан чизилган.

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Унда кексайиб қолган Навоий ҳассага суяниб турган ҳолда тасвирланган. Улуғ шоирга хос салобат, улуғворлик ёрқин акс этган бу картина 500 йилдан зиёд вақт давомида кўпчилик эътиборини ўзига тортиб келмоқда.

Ҳозир бу жозибали расм Туркиянинг «Гулистон» музейининг энг яхши экспонатларидан бири сифатида намойиш қилинмоқда. Ана шу асар йирик мўйқалам усталари илҳомига илҳом қўшди. Атоқли рассом Абдулҳай Абдуллаев ҳам ўша картинадан таъсирланиб, «40 ёшли Навоий» деган портрет асарини яратди. Навоийнинг ўша навқиронлик чоғини тасвирлашда Маҳмуд Музаҳҳиб қолдирган портрет қўл келди.

Бу асар Навоий номидаги Адабиёт музейининг энг сара экспонатларидан бири сифатида кўплаб томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Лазиза ОРИФХЎЖАЕВА.



ГИПНОЗ – УЙҚУ ДЕГАНИ

Гипноз, шунингдек, яхши таъсирчан сўзлар билан кишини ром этиб қўйишнинг илмий жиҳатдан анчагина чуқур асосланганлиги тиббиётда ундан талай касалликларга қарши курашда, бир қанча касалликларнинг эса олдини олишда ва воситалардан муваффақиятли суратда фойдаланишга кенг имкониятлар яратди.

Маълумки, «гипноз» грекча сўз бўлиб, «уйқу» деган маънони англатади. Гипнотик уйқу мия тормозланишининг бир кўринишидир. Бундай уйқу ҳаддан ташқари кўркиш, ваҳимага тушиш, оғир касаллик ва бошқа ҳодиса-ўзгаришлар оқибати ўлароқ заифлашиб қолган мия қобиғидаги асаб ҳужайралари иш қобилиятининг жуда тез тикланишига ёрдам беради. Узоқ вақт давом этадиган гипнотик уйқу табиий уйқуга яқин бўлади ҳамда уни ҳосил қилиш учун баданга ўхлатувчи дорилар юборишга ҳожат қолмайди. Гипноз усули билан даволашнинг афзаллиги ҳам ана шунда.

«НОДИР» ЭКСПОНАТ

Бундан бир неча йил аввал Серро

Бу турфа олам

Пайне чўққисига чиққан альпинистлар зарурат юзасидан муз кесишга киришадилар. Шу пайт улардан бири беихтиёр қичқириб юборади. Унинг болтасига қизил мато парчаси илашиб чиққан эди. Синчиклаб қарашса, оёқ остида бир нарсанинг қораси кўринди.

Альпинистлар музни эҳтиёткорлик билан кўчириб, таҳминан 12 яшар ҳинди боласи гулдор плаш-ёпинчоққа ўралиб ўтирган ҳолда музлик орасида қотиб қолганлигини кўришди.

Ажабо, бу бола шундай баландликка ва яна ёлғиз ўзи қандай қилиб келиб қолди экан? Мутахассисларнинг аниқлашича, бу фожиа бундан 500 йилдан зиёдроқ вақт илгари содир бўлган. Бироқ, бола ҳозир муз ичида худди тирикдек ўтирибди.

Муздан кўчириб олинган бу бола ҳозир Сант-Яго (Чили) музейининг нодир экспонати ҳисобланади.

ҚУЁН ЧАНГАЛИДА ЎЛГАН ИЛОН

Илон эўрми ё қуён? Албатта илон, дейсиз. Тўғри, қуённинг илонга бас келиши у ёқда турсин, рўпара бўлишининг ўзи унинг куни битди деган гап. Лекин Австралияда чиқадиган бир журнал мана бундай хабар тарқатди. Узунлиги бир метр келадиган жигарранг тусли заҳарли илон қуён инига ўрмалаб кира бошлади.

Иннинг эгаси бўлган урғочи қуён яқинлашиб келаётган хавфдан эҳтимол, бехабардир. Мана, ҳозир қабих душман бечора қуёнга ташланса керак.

Ҳа, ҳужум бўлди. Аммо бу ҳужумни илон эмас, қуён бошлади. Ҳимоянинг энг яхши усули ҳужум деганларидек, қуён кўрқувдан қотиб қолиш ўрнига сапчиб илонга чанг солган ва ўзининг ўткир тирноқлари билан уни ғижимлаб, бўғзидан қаттиқ тишлаб олганича қўйиб юбормаган.

Оқибатда илон қуённинг чангалида ўлган.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 22.05

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5